



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2014-yil, 30-dekabr. Seshanba 156 (31.903) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

## ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ

# «ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ» ЗАВҚИ

### «Туркистон» саройида 29 декабрь куни «Президент арчаси» тантаналари бошланди

**Мамлакатимизнинг барча болалари орзиқиб кутувчи ушбу шодийналарга Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари таклиф этилди.**



«Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ҳаётга кенг жорий этилиши натижасида ўғил-қизларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашга оид ишларни янада такомиллаштириш, ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, саломатлигини мустаҳкамлаш, маънавиятини юксалтиришга доир эзгу ишлар ҳажми тобора ортмоқда. Дастурга кўра, болаларни жисмоний ва маънавий ривожлантиришга салбий таъсир кўрсатувчи ахборотлардан ҳимоялаш, уларни спортга кенг жалб этиш, мактабга таълим масканлари, оилавий поликлиникалар, спорт-соғломлаштириш муассасалари, болалар ижодиёти марказлари фаолиятини такомиллаштириш, таълим-тарбия масканларининг моддий-техник

базасини янада яхшилаш, ўқитиш сифати ва мазмунини юксалтириш юзасидан кенг қўлланма ишлар бажарилди. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг саломатлигини асраб-авайлаш, зарур фиббий муолажаларни кўрсатиш юзасидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларининг марказий кўп тармоқли поликлиникалари ҳузуридан

ги ногирон болаларга барвақт ёрдам бериш хизматини жорий этишга оид чора-тадбирлар ҳажми янада ортди. «Туркистон» саройининг камалакранг чироқлар, ёрқин шарлар билан безатилган фиббий муолажаларни кўрсатиш юзасидан бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Жумладан, Тошкент, Андижон, Наманган ва Фарғона шаҳарларининг марказий кўп тармоқли поликлиникалари ҳузуридан

болалар жамғармаси томонидан қизгин тайёргарлик кўрилди. Арча атрофида жам бўлган болаларга турли эртак ва мультфильмлар қаҳрамонлари ҳамроҳ бўлиб, биргаликда Қорбобо ва Қорқизни даврага чорлайди. Қорбобою Қорқиз, айқачою тулчи, Зумрад ва Қиммат, Насриддин Афанди каби сеvimли қаҳрамонлар билан байрам янада завққа тулади. Эстрада ижрочилари ва

цирк усталари иштирокидаги музикалий дастур, ранг-баранг рақслар, болаларнинг эҳзини чархловчи турли ўйинлар, тез айтишлари топишмоқлар байрамга янада жўшқинлик бағишлайди. Топқир, эҳзли ва зийрак ўғил-қизларга Қорбобо ўйинчоқлар, китоблар, ширинликлар совға қилади. «Президент арчаси» тантаналарини мен ҳам орзиқиб кутдим, — дейди Юнусобод туманидаги 23-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси 11 ёшли Гўзал Насриддинова. — Ушбу байрамга бағишлаб янги шеърлар ёд олдим, кўшиқлар ўргандим. Арча атрофида мазза қилиб рақсга тушдик. Қувноқ томошалардан баҳраманд бўлдик. Бундай завқли байрам учун Президентимиздан жуда миннатдоримиз. Арча атрофидаги томошалардан сўнг болалар залга таклиф этилди. Улар учун «Томоша» болалар студияси томонидан тайёрланган «Мўъжизалар китоби» театрлаштирилган дастури намойиш этилди. Болаларга Президентимизнинг Янги йил совғалари топширилди. Бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда бўлиб ўтмоқда.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА муҳбири.

## СИФАТЛИ ВА АРЗОН МАҲСУЛОТЛАР

Бугун бутун мамлакатимиз бўйлаб янги йил нафаси кезиб юрибди. Оила даврасида, тўқини дастурхон атрофида янги йилни кутиб олишнинг файзи бўлакча. Шу боис байрам арафасида ҳаммамиз янги йил дастурхонини учун бозорга, дўконларга шомамиз. Бу пайтда арзон ва сифатли маҳсулотни қардан харид қилиш керак, деган савол кўпчиликни ўйлантириши табиий. Пойтахтимиз деҳқон бозорларида ташкил этилган янги йил савдо ярмаркаларида эса сиз ўзингиз истаган маҳсулотни топасиз.

## Янги йил дастурхони тўқин бўлади

«Юнусобод деҳқон бозори» акциядорлик жамияти томонидан ташкил этилган янги йил ярмаркасининг 40 дан ортиқ савдо расталарида сарҳил мева-лар, сабзавот, полиз, гўшт ва суг маҳсулотлари қулай нархларда сотилмоқда. Озиқ-овқат саноати корхонаси уюшмаси томонидан тақдим этилаётган маҳсулотлар харидорларга манзур бўлмоқда. — Ушбу ярмаркада бир кунда 20 турдаги 10 тоннадан ортиқ маҳсулотлар харидорларга етказиб берилмоқда, — дейди «Юнусобод деҳқон бозори» акциядорлик жамияти директори ўринбосари Бекзод Латипов. — Хусусан, 2,5 тонна гўшт, 3 тонна шакар, 2 тоннадан ортиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сотилмоқда. Уларнинг сифати доимий назорат қилинади. — Байрам дастурхонига мева харид қилгани келдим, — дейди Юнусобод туманидаги машинасозлар касб-хунара коллежи ўқитувчиси, ЎзХДП аъзоси Шарофат Элмуродова. — Ташкил этилган ярмар-



кадан нафақат мева, гўшт, туҳум, картошка, пиёз олдим. Маҳсулотларнинг сифати юқори. Сотувчилар хушмуомала. Бир неча йилдан буён байрам дастурхонимиз учун озиқ-овқатларни ана шу каби ярмаркалардан харид қилишни одат қилганмиз. Бунинг учун барча ташкилотчиларга раҳмат айтмоқчиман. Дарҳақиқат, шу кунларда бозорларимиз хар қачонгидан ҳам тўқин-сочин, сероб. Бундай файзу баракани кўрган кишининг дили яйрайди. Халқимиз турмуш сифатини янада ошириш ва байрам шодийналарини кўтаринки руҳда таъминлаш йўлида курсатилган эътибор ва гамхўрлик пойтахтликлар учун ҳақиқий янги йил туҳфасидир.

Аҳмад ЮСУПОВ, журналист.

## САЙЛОВ — 2014

Маълумки, жорий йилнинг 21 декабрь куни мамлакатимизда муҳим сиёсий жараён — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтди.

## Такрорий овоз бериш — сайловнинг яна бир муҳим босқичи

Мамлакатимизда 2015 йил 4 январь куни 22 сайлов округида ўтказиладиган такрорий овоз бериш жараёнига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда

Сайлов қончилиги такомиллашгани, сайловчилар ҳуқуқий-сиёсий маданияти юксалгани, давлат ҳокимияти тизимида вакиллик органларининг мавқеи оширилгани, ҳукуматни шакллантиришнинг янада демократик тамойиллари жорий қилингани бу галги сайловлар юқори савияда ўтишида муҳим омил бўлди. Ҳар бир депутатлик ўрни учун сиёсий

партиялар ва улардан кўрсатилган номзодлар ўртасида кураш қизгин кечди. Буни 22 сайлов округида Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг биронтаси етарли даражада овоз тўплай олмаганидан ҳам кўриш мумкин. Шунинг учун Марказий сайлов комиссияси томонидан мазкур сайлов округларида такрорий овоз бериш

ўтказилиши белгиланди. Такрорий овоз бериш тартиб-таомилларининг қонун даражасида белгилангани фуқароларнинг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўз вакилларини сайлаш ҳуқуқини ҳар томонлама кафолатлаш ҳамда сиёсий партиялар ўртасидаги рақобатни янада кучайтириши таъминлайди.

► Давоми 2-бетда.

## ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ: ТАЖРИБА ВА ТАКЛИФ

## Ҳар бир мурожаат ортида инсон манфаати бор

Малика Саттарова Сергели туманида ЎзХДП томонидан ташкил этилган тадбирларнинг бирида иштирок этиб, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ҳал қилишда партия ташкилотларининг вазифалари, депутат ваколати ҳақида атрофлича тўшунчага эга бўлган эди...

Орадан кўп ўтмай у ишга жойлашди. Дарҳақиқат, бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Муҳими, мурожаатларни ечиш орқали кенг жамоатчилик билан алоқа ўрнатиб, аҳоли орасига кириб борилаётгани. Албатта, партия ташкилотлари ва депутатлар зиммасидаги асосий вазифалардан бири электротар маффаатлари ҳимоясини таъминлаш, аҳолини ўйлантираётган масалаларни ваколати доирасида ижобий ҳал қилишдан иборат-

дир. Бу борада аҳолидан тушган мурожаатларни ечиш, уларнинг ҳар бирига жиддий эътибор қаратиш муҳим ўрин тутди. Ҳўш, ЎзХДП ташкилотларида ақунланиб бораётган жорий 2014 йилда мазкур йўналишда қандай ишлар олиб борилди? Аҳоли мурожаатлари билан ишлашда яна нималарга эътибор қаратиш лозим? ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Ҳайдар Бобоҳонов мазкур маззу атрофида мулоҳаза юритиб, мурожаатлар билан ишлашда партия ташкилотлари ва депутатлар фаолигини ошириш юзасидан таклифларини билдирди.

► Давоми 2-бетда.

## «Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, кутқариши мумкин дунёни»



Фаррух АЛИЕВ олган суратлар.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди

## АКЦИЯСИ

Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри «Мурувват» ногирон болалар учун интернат уйи

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий адолат ва ижтимоий ҳимоя тамойилларига амал қилган ҳолда, давлат ҳокимиятининг сайланма органларида давлат ва жамият томонидан аҳолининг ижтимоий қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд бўлган қатламлари, яъни пенсионерлар, ногиронлар, кам даромадли оилалар, моддий ёрдам, ижтимоий нафақа ва манзилли ижтимоий ҳимоянинг бошқа турларига муҳтож кишилар манфаатлари учун курашади. ЎзХДП Марказий Кенгаши, Соғлиқни сақлаш вазирлиги «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди ҳамда «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ҳамкорлигида ўтказилаётган «Ҳар гўдакни мўъжиза деб билинг, кутқариши мумкин дунёни» акциясида кўзланган асосий мақсад мурувват уйларида тарбияланаётган, шифо топаётган болаларга меҳр кўрсатиш, қувонч улашиш, уларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, бир сўз билан айтганда, жамиятда ўзаро ҳурмат, оқибат, ҳайр-саховат туйғуларини кенг тарғиб қилишдан иборатдир.

## ТАДБИР

## Ширинликлар намойиши

Самарқандда Янги йил байрами муносабати билан аънаваный «Самарқанд ширинликлари» кўрик-танлови ўтказилди.

Миллий қадриятларимизни янада ривожлантириш, ўзбек халқига хос меҳмоннавозлик аънаваларини давом эттириш, аҳоли байрам дастурхони тўқин-сочинлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган тадбирда вилоятнинг барча туман ва шаҳарларидан вакиллар, ширинлик ишлаб чиқариш корхоналари ўз маҳсулотлари

билан қатнашди. Танловда иштирокчилар томонидан тайёрланган байрам тортлари, тантанали маросимлар учун пиширилган, мева ва шифобахш гиёҳлардан тайёрланган шербатлар, мураббо ва шинилар, туршак, майиз, асал маҳсулотлари намойиш этилди. Ҳар бир маҳсулотнинг тайёрланиш усули ва шифобахшли-

ги каби муҳим жиҳатлари ҳақида маълумот берилди. Кўрик-танловда олти йўналиш бўйича ғолиб ва совриндорлар аниқланиб, ташкилотчилар томонидан муносиб рағбатлантирилди. Тадбир доирасида намойиш этилган маҳсулотларнинг савдо ярмаркаси ўтказилди. Ҳ.ҲАСАНОВ, ЎЗА муҳбири.

2015 йилда янги иш ўринлари яратиш масаласига янада катта эътибор қаратилади

САЙЛОВ — 2014

## Такрорий овоз бериш — сайловнинг яна бир муҳим босқичи

Мамлакатимизда 2015 йил 4 январь куни 22 сайлов округида ўтказиладиган такрорий овоз бериш жараёнига қизгин тайёргарлик кўрилмоқда

Мамлакатимиз қонунчилигида такрорий овоз беришнинг ҳуқуқий асослари ўз ифодасини топган. Хусусан, такрорий овоз бериш масаласи «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги, «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайлов тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2014 йил 11 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тўзиш ва уларнинг ишини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Низомда мустаҳкамлаб кўйилган.

Такрорий овоз бериш — бу Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига сайловда икки ёки ундан ортиқ номзод иштирок этиб, уларнинг ҳеч бири сайловчиларнинг ярмидан кўп овозини олмаган тақдирда ўтказиладиган овоз бериш жараёнидир.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Қонуннинг 45-моддасига мувофиқ,

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда»

сайлов округи бўйича депутатликка икки нафардан ортиқ номзод кўйилган бўлса-ю, улардан биронтаси ҳам сайланмаса, округ сайлов комиссияси энг кўп овоз олган икки нафар номзод бўйича округда такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақида қарор қабул қилади ва бу ҳақда Марказий сайлов комиссияси ҳамда округ сайловчиларини хабардор этади.

Такрорий овоз бериш амалдаги сайлов қонунчилиги талабларига риоя этилган ҳолда икки ҳафта ичида асосий сайлов ўтказилган сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг аввал тузилган рўйхатлари бўйича ўтказилади. Унда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод сайланган, деб ҳисобланади. Сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг иштирок этиш фойзи ҳисобга олинмайди. Бошқача айтганда, такрорий овоз беришда қанча сайловчи иштирок этса ҳам сайлов қонуний ўтган ҳисобланади ва қатнашганларнинг кўпчилиги овозини олган номзод сайланган ҳисобланади.

Такрорий овоз бериш ҳамда унинг натижаларини ҳисоблаб чиқиш тартиб-таомиллари асосий овоз беришдан фарқланмайди. Ушбу жараёнда ҳам умумий, тенг, тўғридан-тўғри ва яширин сайлов ҳуқуқи

ҳамда ошкораликка қатъий риоя қилиниши кафолатланади, кузатувчиларнинг сайлов участкаларида қатнашиш ҳуқуқи бирдек таъминланади. Сайловчиларга кўйилган талаб бир хил, яъни Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эга бўлиб, ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эгадир.

Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигида кафолатланган такрорий овоз бериш ҳуқуқи «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт, Эркин ва адолатли сайловлар тўғрисидаги декларация, ЕХТТ инсонийлик мезонлари бўйича Копенгаген конференцияси ҳужжати ва бошқа шу каби халқаро ҳужжатларда белгиланган, умумэтироф этилган таъминлаш ва қоидаларга мос келади.

Мухтасар айтганда, такрорий овоз бериш давлат ҳокимияти органларини шакллантириш ва мамлакат ҳаётига доир долзарб масалаларни ҳал этишда фуқароларнинг хоҳиш-иродаси тўлиқ рўёбга чиқишига хизмат қилади.

**Улугбек ХУСАИНОВ, Жаҳонгир САФАРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳуқуқидagi Амалидаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходимлари, юридик фанлар номзодлари.**



# O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

## «ҲАР ГҲДАКНИ МҲЪЖИЗА ДЕБ БИЛИНГ, ҚҲТҚАРИШИ МУМКИН ДУНЁНИ»

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари, Республика «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди

### АКЦИЯСИ

Мазкур акциянинг навбатдагиси Қарши шаҳридаги «Мурувват» ногирон болалар интернат уйида ўтказилди.

Болажонларнинг бу учрашувга катта тайёргарлик кўргани уларнинг нигоҳларидан сезилиб турарди. Бу каби даргоҳлар тарбияланувчилари учун давлатимиз томонидан барча имкониятлар яратиб берилган.

Бу болалар фақатгина ўз ота-оналари, яқинлари, қолаверса, атрофдагиларнинг эътибори, ғамхўрлиги, меҳрига муҳтож. Акция давомида бунга яна бир бор ҳис этдик.

**Ваҳоб ОРЗИҚУЛОВ,**  
интернат уйи директори:

— Болаларимиз акция ўтказиладиган кунни интизорлик билан кутишди. Куй-қўшиқлар, саҳна кўри-нишлари, рақслар тайёрлашди. Уларнинг орасида шеър ёзадиганлари, расм чизадиганлари, қўшиқ айтадиганлари кўпчилигини ташкил этади.

Интернат уйида ҳозирги кунда 200 нафардан кўпроқ бола тарбияланмоқда. Уларга 20 нафар тарбиячи ҳамда 90 нафардан ортиқ энага меҳр кўрсатиб келмоқда.

Муассасамизда сўнгги йилларда қурилиш таъмир-

лаш, ободонлаштириш бора-сида бир қатор ишлар амалга оширилди. Хусусан, ҳо-миёлар маблаглари ҳисобидан замонавий болалар ўйин-гоҳи бунёд этилмоқда. Шунингдек, ошхона, кир ювиш хоналари фойдаланишга топширилди.

Муассасамизда болаларни жамиятга интеграциялашувини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топишига кўмакла-шиш, соғлигини тиклаши учун барча имкониятлар яратилган. Тарбияланувчиларимиз мунтазам шифокорлар назорати-да бўлишади.

**Асрор МИРЗАХМЕДОВ,**

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди бошқаруви раиси:

— Халқаро экспертлар томонидан эътироф этилаётган ривожланишнинг «Ўзбек модели»даги беш тамойилдан бири — бу кучли ижтимоий сиёсатдир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор берилмоқда. «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондининг ҳам ана шу жабада ўз ўрни бор, албатта. Ҳамкор ташкилотлар кўмагида ўтказиладиган ушбу акция муҳим лойиҳаларимиздан биридир.

Соғлом бола йили давомида Тошкент шаҳри, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоятларидаги «Мурувват» ногирон

**Ақром АКБАРОВ,**

Халқ депутатлари Қашқадарё вилоят Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси:

— Партиямиз Марказий Кенгаши, газеталаримиз ҳамда жамоат фонди ҳамкорлигидаги бу акциянинг вилоятимизда ўтишини эшитиб, хурсанд бўлдик.

Бугун юртимиздаги ҳеч қайси болалар муассасида моддий ёки ташкилий жиҳатдан камчилик йўқ. Ўзингиз гувоҳ бўлгангиздек, бундан ушбу «Мурувват» уйи ҳам мустасно эмас. Вилоятимиз ҳокими Зафар Рўзиев ва бошқа масъул раҳбарлар бу даргоҳга тез-тез келиб туришади. Уларнинг саъй-ҳаракати билан янги йилда бу ерда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш режаси тузилган.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг асосий ғояси ҳам жамиятда меҳр-оқибат, хайр-саховат, ижтимоий бирдамлик



**Мухтор УСМОНҲҲАЕВ,**

«Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фонди Васийлик кенгаши аъзоси:

— Ушбу интернат уйида болалар учун яратилган шароитлар бизни қувонтирди. Айниқса, уларнинг озиқ-овқат, кийим-кечак таъминоти, санитар-гигиенни вазият доимий назорат қилиниши муҳим аҳамиятга эга.

Акцияимизни юқори савияда ўтишида эзгу ниятли ҳамкорларимизнинг ҳам алоҳида хизма-

**Нилуфар ХАЙРУЛЛАЕВА,**

Интернат уйи шифокори

— Болалар соғлигини му-стаҳкамлаш, уларга сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида ҳозирги кунда муассасада тўрт нафар ма-лакали врач ва ўн беш на-фар ҳамшира фаолият олиб бормоқда. Муассасанинг тиббий бўлимида дори-дар-монларни алоҳида сақлаш хонаси мавжуд бўлиб, керак-ли воситалар билан таъмин-ланган.

Бизда болалар саломатлиги доимий равишда назорат қилиб

**Фаррух ХАМРОЕВ,**

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари бош муҳаррири биринчи ўринбосари:

— Ўзбекистонда ҳеч бир бола меҳр ва эътибордан четда эмас. Бунга Қарши шаҳридаги ушбу маскан мисоли-да ҳам кўрдик. Тарбияла-нувчиларнинг саломатлигини тиклаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши учун катта жамоа сид-қидилдан меҳнат қилмоқда.

Акция давомида ногиронлар аравачасида ўтирган бир бола эътиборимни тортиди. Тадбир сўнггида унинг олдида бордим. Исминини сўрадим. Шодибой экан. У билан бироз гаплашиб турдим.

— Мен спорт билан шуғул-ланаёман. Докторлар кўпроқ машқ қилсам жойим кетишимни айтишмоқда. Бирим тадбирла-

ти бор. Хусусан, «Ўзфармса-но-ат» давлат акциядорлик концер-ни мутасаддилари томонидан дори-дармон воситалари ажратилди.

Муассасада амалга ошири-лаётган ишлар, келажақда кўзда тутилган вазифалар, бу ерга маҳаллий ҳокимиятнинг эътибо-рини кўриб, болалар ишончли қўлларда эканига гувоҳ бўлдик.

борилади. Улар бир йилда икки марта тўлиқ тиббий кўриқдан ўтади. Тарбияланувчилар соғ-лигини тиклашда нафақат дори-дармонлар, балки, спорт ҳамда турли замонавий техник воси-талардан ҳам кенг фойдала-нишга ҳаракат қилаёلمиз.

«Мурувват» уйида сенсор-ка ҳамда қўл моторикасини ри-вожлантириш хоналари ташкил этилган. Ушбу йўналишлар бо-лар соғлигини жисмоний ва руҳий жиҳатдан тиклашида муҳим аҳамиятга эга.

рини жуда яхши кўраман. Меҳ-монларни ҳам.

Соғлом бола йили давомида Тошкент шаҳри, Бухоро, Андижон, Фарғона, Қашқадарё вилоят-ларидаги «Мурув-ват» ногирон болалар интернат уйларида бўлиб, у ерда бола-лар учун яратилган шароитлар билан яқиндан танишдик, имкон қадар уларга кўмак беришга, бо-лаларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилдик.

— Бизнинг уйимизга яна ке-линглар...

Ташкилотчиларни мазкур ак-циядан кўзлаган асосий мақса-ди ҳам аслида шу эди. Бола-жонларга бутун жамоатчилик эътиборини қаратиш, одамлар-ни бир бирига янада меҳрли, ғамхўр бўлишга қачирши эди.

**Нурали ОРИПОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

## ЎзХДП ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАСИ: ТАЖРИБА ВА ТАКЛИФ

### Ҳар бир муурожаат ортида инсон манфаати бор

— Янги йилни кутиб олар эканмиз, ўтаётган йилда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилиб, янги режалар ҳақида ўйлай-миз, албатта, — дейди у. — ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши барча даражадаги ташки-лотлари йил давомида электротимиз ман-фаатини ҳимоя қилиш борасида қатор амал-ий ишларни олиб борди. Хусусан, партия-миз маҳаллий кенгашларида ташкил этил-ган Жамоатчилик қабулхоналарининг элек-торатни ўйлантираётган масалаларни бар-тараф этиш борасидаги таъсирини ошириш бўйича катта тажриба тўпладик. Жорий йил-нинг ўтган 11 ойи мобайнида 339 нафар фуқаро қабулхоналаримизга турли масала-ларда муурожаат қилди. Уларнинг 250 таси ижобий ҳал этилди, қолганларига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди.

**Айтиш жоизки, ҳар бир муурожаат партия фаоллари ва депутатлар томонидан пухта ўрганилиб, уларнинг аксарияти тегишли идора ва ташкилотлар ёрдамида ҳал этилди.**

— Муурожаатларга ечим топиш учун би-ринчи галда масалани депутатлар ва партия фаоллари ўртасида муҳокама қиламиз. Уларнинг фикрларини ўргангач, энг маъқул ечимга тўхталамиз. Шундан сўнг, муурожаат маълум бир депутатга юклатилади. Керак пайтда, мутасадди ташкилотларга депутат-лик сўрови билан чиқамиз. Бу билан иш якунланмайди, албатта. Масала ҳал этил-магунга қадар депутатлардан иборат мах-сус ишчи гуруҳи назоратида туради. Шун-ингдек, электротат вакиллари муайян ма-салада ҳуқуқий маслаҳат ва кўмакка эҳтиёж сезади. Шу боис муурожаатларни ҳал этиш-да малакали ҳуқуқшунослар ҳам жалб этил-моқда. Энг муҳими, шу тариқа худудларда истиқомат қилаётган аҳолининг партиямиз фаолиятига қизиқиши ва ишончи ортиб бо-рапти.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Жамоат-чилик қабулхоналар фаолияти депутатлари-миз фаолиги ва масъулияти ошишида ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки му-урожаатни ҳал қилиш учун депутат муайян масалани чуқур ўрганади, таҳлил этади ва

таклиф тайёрлайди. Таклифлар партия фаоллари билан бирга кенг муҳокама эти-либ, тегишли идора ва ташкилотларга хат тайёрланади. Бундан ташқари ҳар ҳафта те-гишли жаҳвал асосида депутатлар ва партия фаоллари қабулхонага келган кишиларни қабул қилади. Уларнинг муурожаатларда кўтарилган масалалар депутатлар кўмагида тегишли идора ва ташкилотлар орқали ҳал этилаётгани Жамоатчилик қабулхоналари-га ишончини янада мустаҳкамламоқда.

— Жорий йилда сиёсий ва фуқаролик маърифати тизимида ўтказиладиган ўқув-ларимизда «Партия дастурий максалдари-ни амалга оширишда Жамоатчилик қабулхона-лари ва партия гуруҳлари фаоллигини кучайтириш» мавзусини ҳам кенг муҳокама этдик. Унда билдирилган амал-ий таклифлар асосида қабулхона ишини янада фаоллаштириш, муурожаатларни иж-обий ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқдик. Хусусан, Жамоатчилик қабул-хоналарининг моддий-техник базасини ях-шилаш, интернет орқали қабулларни таш-кил этиш ва электрон муурожаатлар қабул қилишга ўтиш, намунали партия Жамоатчи-лик қабулхоналари тажрибасини оммалаш-тириш, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши-даги депутатларимизнинг ўз сайлов округ-ларидаги Жамоатчилик қабулхоналари би-лан алоқасини мунтазам йўлга қўйиш маса-лаларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Бундан ташқари Жамоатчилик қабулхо-наларини меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар бил-ан бойитиш ҳамда қабулхоналар иш кун-ларини аҳоли учун қулай бўлган дам олиш кунларида ташкил этиш ҳам олдимизда тур-ган асосий вазифалардан бири. Қандай муаммолар бўйича муурожаатлар қайд эти-лаётганлиги ва уларни худудлар бўйича тақ-қослаш механизминини кучайтиришимиз ке-рак, деб ўйлайман.

Муурожаатларни мунтазам таҳлил қилиб бориш, минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда худудий бандлик дас-турларига ўзгартириш киритиш эҳтиёжини аниқлаш, электротатни ўйлантираётган му-аммоларни ўрганиш, шу асосда қонунчи-ликни янада тақомиллаштириш чораларини кўриш масаласида ҳам аниқ режалар иш-лаб чиқсак, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Муурожаат ҳал этилиши орқали одамлар оғири енгил бўлади. Бу масаланинг бири-нчи томони. Яна бир муҳим жиҳати шундаки, муурожаатни ижобий ечиш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилинади. Инсон ҳуқуқини таъминлаш олий қадриятга айланган жами-ят барқарор ва мустаҳкам бўлади.

**Лаиза ШЕРОВА,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда»

«Давоми. Бошланғичи 1-бетда»



ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ

Ўтиб бораётган 2014 йил ҳар бир фарғоналик учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Фарғона шаҳри мутлақо янги қиёфа касб этди. Яқиндагина шаҳар марказида минг ўринли санъат саройи тантанали равишда очилган эди. Янги йил арафасида эса яна кўплаб иншоотлар фойдаланишга топширилмоқда.

Ёш оилаларга байрам тухфаси

Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси асосида ёш оилалар учун 33 хонадонли кўп

лакатимиз иқтисодиёти мустақамланишига ҳисса қўшаман.

Умидаҳон ва Азимжон Эгамназаровлар ҳам ёш оилалардан бири. Ҳар иккиси ҳам малакали мутахассис сифатида ҳурмат қозонган. Тантана чоғида вилоят ҳокими Шухрат Ганиев бу оилга ҳам янги хонадон қалитини топширди.

— Кувончимнинг чеки йўқ, — дейди Умидаҳон Эгамназарова. — Билмадим, яна қайси давлатда ёш оилаларга бундай ғамхўрлик кўрсатилади?

Уйимиз шинам, барча қулайликлар яратилган. Болалар хонаси ҳам кенг. Унда фарзандларимиз яйраб, соғлом бўлиб

вояга етишади. Биз, ёшларни ҳаммаша менинг фарзандларим, деб бағрига босаётган Юртбошимизга раҳмат.

Тантанада сўз олган ЎзДП фаоли, Ўзбекистон Қаҳрамони Ботир Темиров Ўзбекистон Республикаси Вазирилари Маҳкамасининг 2014 йил 8 сентябрдаги «Мамлакатнинг ижтимоий ҳаётида фаол қатнашаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш» янада кўлаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида бу каби қурилышлар 2015 йилда ҳам давом эттирилишини таъкидлади.

Муҳаммадҷон ОБИДОВ,  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Муҳаммадҷон ОБИДОВ олган сурат.

қаватли «Қамолот» уйи қуриб битказилди. Янги хонадонлар қалитлари, асосан, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида меҳнат қилаётган ёш оилаларга берилди.

— Ўзбекистонда ёшлар, ёш оилалар ҳар жиҳатдан кўлаб-қувватланмоқдаки, бу бизнинг эртанги кунга ишончимизни мустаҳкамлайди, — дейди қорхона машинисти Содиқжон Усмонов. — Менинг икки фарзандим бор. Вақтинча ижарада яшар эдик. Мана, энди оиламизга 2 хонали янги уй берилди. Биз Президентимиздан миннатдоримиз. Бундай эътиборга жавобан бор кучим, билимимни сарфлаб, ҳалол ишлаб, мам-

БАНДЛИК

2015 йилда янги иш ўринлари яратиш масаласига янада катта эътибор қаратилади

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг масъул ходими Зафар Шарипов билан суҳбат

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн олтинчи ялпи мажлисида 2015 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг прогноз параметрлари қабул қилинди. Шу муносабат билан янги йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини шакллантириш тўғрисида ҳақиқат маълумот берсангиз.

— Мазкур дастур Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва манфаатдор вазирлик, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, банклар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликлари билан биргаликда шакллантирилади.

Янгидан ташкил этилиши лозим бўлган иш ўринларининг прогноз кўрсаткичлари меҳнат ресурслари балансининг ишчи кучига бўлган тақлифи билан бевосита боғлиқ ҳолда, ушбу ишчи кучи бандлигини таъминлаш юзасидан тармоқлар ва худудлар кесимида манзилли лойиҳалар ишлаб чиқилади.

Бунда ташкил этиладиган иш ўринлари сони аҳолининг ўсиши, меҳнат ресурслари ўзгариш динамикаси, яъни меҳнат бозорига биринчи мартаба кириб келаётган меҳнат ресурслари ва ишсизлар сони, ажратилаётган кредитлар, ҳар бир худуд ва тармоққа киритилиши мўлжалланаётган инвестициялар ҳажми билан ўзаро мўтаносиблиги таъминлашни назарда тутилади.

— Янги йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури юзасидан вазирлик иштирокида қандай

чора-тадбирлар белгиланмоқда?

— 2015 йилда Иқтисодиёт вазирлиги иштирокида саноатнинг 9 та, хизмат кўрсатиш ва сервисни ривожлантиришнинг 48 дан ортиқ, қишлоқ ҳўжалигининг 8 та йўналишида жами 230,0 мингдан зиёд ҳамда республика инвестиция дастурига мўвофиқ 6,0 мингдан ортиқ янги мўким иш ўринлари ташкил этиш кўзда тутилган.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш меҳнат унўмдорлигини оширади ва бу ўз-ўзидан қорхона фойдаси ҳамда ишчи, ходимлар ойлик ҳақлари ошишига туртки бўлади. Бироқ, шунинг ҳам инобатга олиш керакки, бу таркибий ўзгаришлар ўз-ўзидан ишсизлар сони ошишига асос ҳам бўлади.

Ушбуларни инобатга олиб, Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан ҳамкорликда доимий равишда ишчи кучи юқори бўлган туманлардаги аҳолининг бандлик ҳолати таҳлил қилинади ва улар асосида келгуси даврда ушбу туманларда кўп ишчи кучи талаб этилади-ган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда кам харажат талаб этадиган иш ўринларини ташкил этиш орқали аҳолининг бандлик даражаси оширилади.

Мисол тариқасида айтиш мумкинки, 2015 йилда янги иш ўринларини ташкил этишда асосий эътибор саноат соҳаси билан бир қаторда хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришга қаратилган. Унга кўра, 2015 йилда ушбу соҳада 2014 йилга нисбатан 1,3 марта кўп иш ўрни яратиш ҳамда уларнинг асосий қисмини қишлоқ жойларида барпо этиш мўлжалланмоқда.



— Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури билан олий ва ўрта маълумотли кадрлар тайёрлаш масаласи мўтаносиб равишда олиб борилиши талаб этилади...

— Таълим муассасаларига ҳар йилги қабул кўрсаткичлари иқтисодиётнинг реал тармоқларида олий ва ўрта махсус маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, олий маълумотли кадрларнинг кейинги 4 йил (тиб-биёт соҳасида кейинги 7 йил), ўрта маълумотли кадрларнинг эса кейинги 3 йиллик талаби худудлар ва тармоқлар кесимида ўрганилиб, таҳлил қилинади ва шакллантирилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, таълим муассасаларига қабул қилинган кадрлар ўқишни тамомлагач, вазирлик, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, банклар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирилари Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан

амалга ошириладиган лойиҳалар билан боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилади.

— Бугунги кунда қайси соҳа ходимларига эҳтиёж ортимоқда ва бу борада кадрлар тайёрлаш тизимида қандай ишлар амалга оширилаяпти?

— Республикаимиз саноати йилдан-йилга жадал суръатлар билан ривожланыаяпти. Давлатимиз томонидан берилаётган солиқ, давлат божлари ва бошқа қатор имтиёзлар туфайли соҳага киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ортиб, импорт ўрнини босувчи махсусотлар ишлаб чиқарилишининг кенгайишига, шунингдек, ички ва ташқи бозорни маҳаллий сифатли махсусотлар билан таъминлашига эришилмоқда.

Иқтисодиётнинг реал тармоқлари, жумладан, Навоий эркин иқтисодий саноат зонаси ҳамда Ангрени ва Жиззах эркин саноат зоналарининг ташкил этилиши, Хоразм вилоятида

енгил автомобиллар ишлаб чиқаришнинг йўлга қўйилиши, Сурғил қони негизида Устирт газ-кимё комплексининг барпо этилиши, Шўртан газ-кимё мажмуаси негизида синтетик куюқ ёқилги ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни режалаштирилиши, Навоий, Наманган ва Сурхондарё вилоятларида жойлашган кўпгина қорхонадан фойдаланишни бошланиши на-тижасида, айти пайтда ва келгусида муҳандис, архитектор, қурувчи, ишлаб чиқариш технологи, ишлаб чиқаришда компьютер технологи, транспорт, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологи каби олий маълумотли мутахассисларга бўлган эҳтиёжнинг ортишига сабаб бўлади.

Бу эса, ўз навбатида, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази ва қатор манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда, шунингдек, худудлардаги олий таълим муассасаларида қорқорида номи тилга олинган йўналишдаги кадрларни тайёрлаш тизими моддий-техник базасини, профессор-ўқитувчилар таркибини ҳамда билим савиясини тубдан яхшиланишини тақозо этади.

Шу билан бирга, худудлар саноат салоҳиятининг ривожлантирилиши туфайли, асосан, қурилиш ва коммунал, энергетика, хизмат кўрсатиш каби соҳаларда ўрта махсус маълумотли кадрларга бўлган эҳтиёж кун сайин ортиб бормоқда.

Олиб борилаётган сайёҳаракатлар республикаимизда нафақат аҳоли бандлиги даражасини ошириш, балки уларнинг даромадлари, турмуш шароитини юксалтириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, четдан импорт қилинаётган махсусотлар ўрнини босувчи маҳаллий махсусотлар ишлаб чиқаришни кенгайтиришга хизмат қилади.

Обиддин МАҲМУДОВ  
суҳбатлашди.

РЕКЛАМА

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»  
мажмуаси жамоаси  
барча юртдошларимизни кириб келаётган  
2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили билан  
муборакбод этади.  
Янги йил барчангизга қутлуғ келсин!  
Хонадонларингизга шоду хуррамлик,  
файзу барака олиб келсин!

РЕКЛАМА ЎРНИДА

# Молиявий мадад ютуқларга кенг йўл очмоқда

акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Миробод филиали фаолиятидаги ибратли ишлар хусусида

Филиал томонидан ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринлари яратишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, мижозларга турли банк хизматлари кўрсатиш, уларга янгидан-янги омонат турларини таклиф этиш, аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб этиш юзасидан қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бу эса, ўз навбатида иқтисодийнинг реал секторини кредитлаш ҳажмини кенгайтириш ҳамда банк ва молия хизматлари кўрсатиш сифатини тубдан яхшилаш имконини бераётди. Банкнинг молиявий мадади тўғрисида маълумотларни туфайли мижозларнинг айланма маблағлари миқдори ортиб, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, саноат ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаларида улкан ютуқларга эришилляпти.

Хусусан, банк томонидан ҳар бир йўналиш бўйича зарурий чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётди.

Биргина мисол. Жорий йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, банк томонидан юридик ва жисмоний шахсларга 28 миллиард 403 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилган бўлиб, ушбу маблағларнинг 26 миллиард 728 миллион сўмдан зиёди тўғридан-тўғри кичик бизнесни молиявий қўллаб-қувватлашга қаратилган. Шундан мижозларга ажратилган микрокредитлар миқдори 1 миллиард 903 миллион сўмни, тадбиркорлик субъектларига эса хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришлари учун 1 миллиард 78 миллион сўм, озик-овқат маҳсулотлари

ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдирish мақсадида 4 миллиард 344 миллион сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Ўз навбатида маҳаллий ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқарувчиларга ажратилган кредитлар 3 миллиард 232 миллион сўмга етди.

Банкнинг барча молиялаштириш манбалари ҳисобидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш ишларига 1 миллиард 578 миллион сўм, касб-хунар коллежлари битирувчиларига ўз тадбиркорлик фаолиятларини амалга ошириш-

қувватлаш натижасида 153 та янги иш ўрни яратилди.

Дарҳақиқат, бугунги кунда банк кредитлари ҳисобига ўз бизнесини йўлга қўйиб, халқимиз фаровонлигини оширишга ва янги иш ўринлари ташкил этишга бел боғлаган мижозлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Пойтахт вилоятининг Зангиота туманидаги, «Эркин» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган «Моҳи-зодабегим» фермер хўжалиги аъзолари ҳам оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиб, ўз меҳнати орқасидан даромад топаётган банк мижозларидан саналади. Хўжалик 2001 йилда ташкил этилган бўлиб, айни дамларда халқимиз дастурхони тўқинлиги учун иссиқхонада помидор ва бодринг маҳсулотлари етиштириш ва паррандачилик фаолияти билан шуғулланиб келаётди. Фермер хўжалиги акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Миробод филиалидан ўтган 2013 йилда паррандачиликни ривожлантириш мақсадида 135 миллион сўм кредит олиб қатор ютуқларга эришган. Натижада, 10 минг паррандага мўлжалланган ферма ҳамда

ярим гектарлик майдонда мева-вали интенсив боғ ташкил этилди. Хўжалик даромади ва банк кредитлари ҳисобига зотли жўжалар харид қилинди.

— Ҳар бир тадбиркор ўз фаолиятини ривожлантиришдан аввал, ўзи учун қулай, ишончли банкни танлайди, —



Санжар ШОТУЛАГАНОВ олган суратлар.

дейди фермер хўжалиги раҳбари, ЎзХДП Зангиота тумани кенгаши раиси **Моҳи-зодабегим**. — Мижоз талаби қаноатлантирилмас экан, у банк бўладими ёки бошқа муассасами унга бўлган ишонч йўқолади. Акциядорлик тижорат «Алоқабанк» ўзининг турли хизматлари билан биз каби мижозларда ишонч уйғота олган молия муассасасидир. Биз мазкур банкнинг Миробод филиалидан жорий йилда ҳам хўжалигимизни қишқи мавсумга тайёрлаш ишлари учун 200 миллион сўм кредит олиб, ушбу маблағ ҳисобига замонавий иситиш печлари ва ёқилғи харид қилдик. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ортиб, қатор жабжаларда самарадорликка эришмоқдамиз. Фаолиятимизни янада кенгайтириш мақсадида Пойтахт вилоятининг Оққўрғон тумани ҳудудидан 10 гектар ер олиб, келгусида бу ерда акциядорлик тижорат «Алоқабанк» кредитлари ҳисобига паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш ҳамда интенсив боғ ташкил қилишни мўлжаллаб турибмиз. Хўжалигимиз томонидан амалга оширилган саъй-ҳара-

катлар ҳамда банк кредитлари ҳисобига бугунги кунда 5 та янги иш ўрни очдик.

Яна бир гап. Банк томонидан кўрсатилётган хизматларнинг сифати ва турларини кенгайтириш ҳисобига мижозлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Бундан ташқари, филиал томонидан аҳолининг банкдаги омонатлари шартларини либераллаштириш ва уларнинг қафолатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Худди шунингдек, бу ерда кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, ёш мутахассисларда касб кўникмаларини шакллантириш, уларга банк сирларини мунтазам ўргатиб бориш тадбирлари кўриломоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, акциядорлик тижорат «Алоқабанк»нинг Миробод филиали жамоаси ҳар бир мижозга намунали хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш орқали халқимиз турмуш даражасини ошириш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашга интиломоқда.

**Соҳибжон САЛИМОВ,**  
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Ucell компанияси сифатли сервис ва алоқа хизматлари кўрсатишни бошқичма-бошқич ривожлантиришни давом эттирмоқда. Жорий йилнинг ўзида компания абонентларга хизмат кўрсатиш бўйича Европа сифати стандартларига жавоб берадиган бир қатор ишларни амалга оширди. Яқинда Тошкент шаҳрида ишга туширилган янги офисда Ucellнинг корпоратив мижозлари бунга шахсан амин бўлишлари мумкин.

## Ucellнинг янги офиси

корпоратив мижозлар учун

— Бизнинг офисимизда ҳар бир мижозга индивидуал ёндашилади, уларга мақбул тарифлар, корпоратив сервис ва маҳсулотлар пакетни таклиф этилади, — дейди **Ucell компаниясининг корпоратив сотиш масалалари бўйича директори Алишер Ҳамидов**. — Биз, шунингдек, ҳам оммавий фойдаланиш учун, ҳам корпоратив мижозлар учун инновацион таклифларни ривожлантиришмоқдамиз. Биз билан бизнес ҳамкорликни йўлга қўйсанинг, нафақат харажатларининг оптималлаштирасиз, балки бир вақтинчи ўзида уларни тежайсиз. Бугунги кунда M2M тизими дунёнинг қўллаб-қувватланаётган турли соҳаларда, жумладан, соғлиқни сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш, энергия ресурсларини назорат қилиш ва ҳисоблаш ҳамда шунга ўхшаш кўплаб аҳоли турмуш даражасини янада яхшилашга қаратилган тизимларда юксак натижалар бермоқда. Буларнинг барчасини ҳисобга олиб ҳамда бизга бўлган ишончи туфайли мингдан зиёд хорижий ва миллий етакчи ташиқлотлар ҳамда компаниялар ўз бизнес режаларини бизнинг юқори даражадаги хизматларимиздан фойдаланган ҳолда ривожлантирмоқда.

— Компаниямиз мамлакатимизнинг турли ҳудудларида ўзининг 20 та офисига эга, — дейди **Ucell компаниясининг сотув тизими директори Элдор Сулаймонов**. — Мижозларимизга қарда бизнинг хизматларимизга эҳтиёж сезса, биз албатта, ўша ердამиз. Шу боис аҳолининг сифатли алоқага бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 2400 та сотув нуқтаси фаолият олиб бораёпти. Бизга ишонч билдирган абонентларимизга юксак сифатли хизмат кўрсатиш ҳар кунги фаолиятимизнинг асосий мақсади ҳисобланади.

Ucellнинг Тошкентда янги очилган офисидан нафақат корпоратив мижозларга хизмат кўрсатилади, балки бу ерда мижозлар яқинда ишга туширилган 4G хизматларини бевосита синаб қўришлари мумкин. Бунинг учун компаниянинг ҳамкорлари тақдим этган ҳамда ушбу хизматни қўллаб-қувватлайдиган янги стандартдаги 4G модемлар, 4G WiFi роутерлар, шунингдек, смартфонлар мажбур.

**Тону Грюнберг, Ucell компаниясининг бош директори:** — Ucell — компанияси 2014 йилда мижозларида ижобий ва бой таассуротлар қолдираётганидан биз жуда ҳам мамнунмиз. Ucell — ўз мижозларини нафақат тезкор ахборот берувчи ҳамда юксак даражада хизмат кўрсатувчи замонавий офислари билан, балки жиддий инвестиция қилиш орқали техник хизматларни кенгайтираётгани, ўзининг замонавий хизматлари

Узбекистонда энг арзон бўлган интернет хизматларини ўзлари баҳолашлари мумкин. Ишонтириб айтишимиз, биз бу билан асло тўхтаб қолмаймиз. Яқин келажакда одамларни хурсанд қиладиган ҳамда турмуш тарзини янада энгиллаштирадиган ва ҳаёт даражасини юксалтиришга хизмат қиладиган уяли алоқа хизматларини тақдим этамиз.

— Бизнинг ишимизда доимий алоқада бўлиб туриш талаб этилади, — дейди **Ucellнинг корпоратив мижозли бўлган «Ўзтрансгаз» акциядорлик компанияси вакили Светлана Павленко**. — Бунинг учун ишончли ҳамкорга эга бўлишимиз зурур. Ucell нафақат алоқа хизматлари кўрсатиш борасида, балки M2M бизнес лойиҳаси билан ҳам бизнинг ҳамкоримиз ҳисобланади. Ucellнинг инновацион ёндашуви, алоқа хизматларини доимий такомиллаштириб бориши, ўз мижозларининг эҳтиёжларини ҳар томонлама ҳисобга олиш ҳамда уларга нисбатан хурмат-эътибор билан муносабатда бўлиши ҳамкорлигимизни тобора ривожлантириб боришга хизмат қилишига ишонамиз.

Корпоратив мижозлар учун мўлжалланган, янгиланган офиснинг очилиш маросимида меҳмонлар, шунингдек, абонентлар кутилмаган муқофот ҳамда совғаларга эга бўлишди.

**Музроб БҮРОНОВ**

«Ўзнефтгаз» акциядорлик компанияси жамоаси ва юридик хизмати «Шўртаннефтгаз» унитар шўба корхонаси бош юриконсулти Саидхамид Турсуновга волидаи мухтарамаси.

**ЎЙТҲҲҲ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги жамоаси агентлик ҳузуридаги алкоғли маҳсулотлар сифати устидан давлат инспекцияси Қашқадарё худудий инспектори **Фарҳиддин ОЧИЛОВНИНГ** вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

## Акциядорлик тижорат «АЛОҚАБАНК» жамоаси

халқимизни кириб келаётган Янги — 2015 йил билан муборакбод этади!

Янги йил юртимизга, ҳар бир оилага тўқинлик, файзу барака ва бахту иқбол олиб келсин.



2015



**ALOQABANK**  
YUKSAKLIKKA INTILGANLAR UCHUN

МУАССИС:



O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla O'RIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	MUSLIIHIDDIN	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILLOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxon — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: [info@uzbekistonovozi.uz](mailto:info@uzbekistonovozi.uz)

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonada manzilli Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1259 12489 Naxsh ko'rsatkichi — 220 t — Tijorat materiallari O'ZA yakuni — 20.50 Topshirilgan vaqti — 23.30

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi: Abdullim MAHMUDOV Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

